

**Аҳмад Фарғоний номидаги
вилоят ахборот-кутубхона маркази
Ўлкашунослик сектори**



ТАМАДДУНИМИЗ БЕШИГИ

***Марғилон шаҳрининг
2010 йиллигига***

ТАВСИЯВИЙ РЎЙХАТ

Фарғона – 2017

Марғилон деганда, бетакрор табиати, боғ-роғлари, камалакдек сержило атласлари, ўзлигимиз рамзига айланиб кетган ранг-баранг дўппилари билан етти иқлимга машхур бўлган гўзал бир макон кўз ўнгимизда намоён бўлади. Бу замин азал-азалдан одоб-андишали ва бағрикенг, меҳнаткаш ва тадбиркор, меҳмондўст халқи, мохир хунармандлари, уста боғбонлари, хушовоз ҳофизлари билан шуҳрат қозониб келади. Биринчи Президентимиз И.Каримовнинг айтган ушбу сўзларида Марғилон ҳақида нақадар тўғри таъриф берилган.

Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказининг Ўлкашунослик сектори Марғилон шаҳрининг 2010 йиллигига бағишлаб “Тамаддунимиз бешиги” номли аннотацияланган тавсиявий рўйхат тузди. Мазкур рўйхатга Фарғона вилоят ахборот-кутубхона маркази фондида сақланаётган адабиётлар киритилган бўлиб, улар тескари хронологик тартибда жойлаштирилган.

Мирзааҳмедов Р. Марғилон замини жавоҳирлари / Р. Мирзааҳмедов. А. Муртазаев, А. Муртазаев. – Фарғона, 2014. – 104 б.

Ушбу китобда Марғилон шаҳри ҳудудидаги XVIII-XIX асрлардан мерос масжиду мадрасалар, шаҳарнинг структураси, хунармандчили-ги, ўқиш-ўқитиш жараёнлари каби тарихимиз ва маданиятимизга оид кўплаб маълумотлар берилган.

Эшонбобоев Ў. Марғилон маҳаллалари тарихидан / Ў. Эшонбобоев, Н. Абдулаҳатов. 1-китоб. – Андижон, 2012. – 84 б.

Мазкур рисола Марғилоннинг қадимги маҳаллалари тарихи ҳақида бўлиб, унда Машъад даҳаси таркибига кирган маҳаллалар ҳақида ҳикоя қилинган.

Табаррук маскан / Тузувчи Ў. Эшонбобоев. – Марғилон, 2010. – 20 б.

Ушбу маълумотнома Фарғона вилоят ва Марғилон шаҳар Бурҳониддин Марғинович жамғармалари томонидан тайёрланган. Унда қадимий ва ҳамиша навқирон Марғилоннинг тарихий қиёфасини ўзида мужассам этган меъморий обидалар ҳақида сўз боради. Маълумотнома охирида меъморий обидаларнинг суратлари ва диққатга сазовор масканларнинг харитаси жой олган.

Марғилон гулшани: тўплам. – Фарғона, 2009. – 224 б.

Кўхна ва ҳамиша навқирон Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги муносабати билан барпо этилган Жаҳон отин Увайсий уй музейида Увайсий номидаги адабий тўгарак ташкил этилган. Ушбу тўплам тўгаракнинг 10 йиллиги муносабати билан нашр этилган бўлиб, унда тўгарак аъзоларининг ҳароратли

қалб сатрлари жамланган. Ёш ижодкорлар намуналарида она-Ватанга муҳаббат, истиқлолга садоқат, ота-она ва устозларга хурмат, умуминсоний қадриятларга эҳтиром тараннум этилган.

Марғилон 2000: альбом / Илмий муҳаррирлар Т. Мирзаев,

Ш. Пидаев. – Т.: Шарқ, 2007. – 224 б.

Мазкур альбом Марғилон шахрининг 2000 йиллигига бағишланган бўлиб, унда қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарнинг тарихи, тарихий обидалари ва зиёратгоҳлари, хунармандчилиги ва санъати, мустақиллик йилларида юз берган ўзгаришлар ҳақида батафсил баён қилинган. Альбомдаги матнлар ўзбек, рус ва инглиз тилларида барилган, альбом рангли фотосуратлар билан безатилган.

Марғилон шахри ўтмиши, бугуни ва эртаси: республика илмий семинар материаллари / Муҳаррир М. Орипов. – Фарғона, 2007. – 192 б.

Ёзма манбаларга кўра шаҳарнинг Марғилон деб ном олиши Х асрдан нарига бормайди, лекин археологик тадқиқотлар қадимги Марғилоннинг шаҳар сифатида қад кўтарганига 2000 йил бўлганидан далолат беради. Ушбу илмий-амалий анжуман материалларида Марғилон шахрининг ўтмиши ва ҳозирги кундаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳаёти ёритилган.

Абдулаҳатов Н. Кўҳна Марғилон зиёратгоҳлари / Н. Абдулаҳатов, Ў. Эшонбобоев. – Фарғона, 2007. – 304 б.

Мазкур китобда Марғилон шаҳридаги кўҳна муқаддас зиёратгоҳлар ва уларнинг тарихи, муқаддас жойлар билан боғлиқ халқона қарашлар, афсоналар, ривоятлар ҳамда зиёратгоҳларда ўтказиладиган урф-одатлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Марварид Марғилоним: тўплам. – Фарғона, 2007. – 64 б.

Ушбу тўплам Шарқнинг гавҳари, дурдонаси ҳисобланмиш кўҳна ва гўзал Марғилоннинг 2000 йиллик тўйига Фарғона ижодкорларининг нафис тухфасидир.

Абдулаҳатов Н. Марғилон ҳақида сўз / А. Абдулаҳатов, Ў. Эшонбо-боев; Қайта ишланган ва тўлдирилган. – Фарғона, 2006. – 36 б.

Ушбу рисолада кўҳна Марғилон шахрининг тарихи ҳамда истиқлол шарофати билан ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар тўғрисида баён қилинган. Шунингдек, Марғилоннинг тарихий обидалари ва

зиёратгоҳлари, аллома ва олимлари, адабиёти, санъати ва хунармандлари ҳақида ҳикоя қилинган.

Жумабоев А. Марғилонда бўлганмисиз ҳеч...: шеърлар. – Фарғона, 2006. – 72 б.

Мазкур мажмуада марғилонлик иқтидорли ижодкор шоирнинг янги асарлари жамланган. Унинг бир қарашда соддагина туюлган сатрлари таъсирли, дардли, теран маъноли.

Акрамов А. Марғилон: қисқача маълумотнома / А. Акрамов, Ў. Эшонбобо. – Фарғона, 2000. – 28 б.

Ушбу мўъжазгина китобча буюк аллома Бурҳониддин ал-Марғиноний таваллудининг ҳижрий сана бўйича 910 йиллиги муносабати билан ёзилган бўлиб, унда кўҳна ва навқирон Марғилон шаҳри ҳақида қисқача маълумот берилган.

Усмон Ҳ. Марғилон фарзандлари. – Фарғона, 2000 – 54 б.

Ушбу рисолада Марғилон шаҳрининг машҳур фарзандлари – арбоблар, олимлар, академиклар, санъаткорлар, ижодкорлар, тадбиркорларнинг ҳаёти ва меҳнат фаолияти ҳақида қизиқарли маълумотлар ва суратлар берилган.

Юнусова Ш. Марғилон атласи // Фарғона ўлкашунослиги: илмий тўплам / масъул муҳаррир Г.П. Иванов. – Фарғона, 1996. – Б. 88-92.

Мазкур илмий тўплам Фарғона ўлкашунослик музейининг 100 йиллигига бағишланган бўлиб, унда музей ходимларининг илмий мақолалари жамланган. Марғилон атласининг келиб чиқиш тарихи ҳақида баён қилинган мақолада қизиқарли маълумотлар келтирилган.

Марғилон // Усмонов Й. Жаннат боғи: тарихий-бадий қисса. – Фарғона, 1995. – Б. 28-36.

Ушбу рисола Фарғона водийси тарихи, бу ерда яшовчи халқларнинг миллий хусусиятлари, урф-одатлари, адабиёти ва санъати, диний эътиқоди ҳақида ёзилган илмий-оммабоп асардир. Мазкур саҳифада Ўрта Осиёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири бўлган Марғилон шаҳрининг тарихи ҳақида ҳикоя қилинган.

Эшонбобо Ў. Марғилоннинг олтин дарвозалари. – Марғилон, 1994. – 16 б.

Ушбу маълумотнома орқали муаллиф Марғилон шаҳрига ташриф буюрган сайёҳ ва меҳмонларни ипак шаҳри бўйлаб саёҳат қилдирар экан, уларга

Марғилоннинг 5та дарвозаси ҳақида баён қилади. Маълумотнома охирида шаҳар харитаси, ташкилот ва муассасаларнинг телефон рақамлари, автобус йўналишлари берилган.

Сулаймон Й. Марғилоннома: қасида. – Фарғона, 1993. – 44 б.

Мазкур қасида Марғилон шаҳрига бағишланган бўлиб, унда қасидада учраган номларга изоҳ ҳам берилган.

Нурматов А. Марғилон – ипак шаҳри: маълумотнома

/ А. Нурматов, Ў. Эшонбобоев. – Т.: Ўзбекистон, 1983. – 56 б.

Марғилон шаҳрининг номи тилга олинishi билан кўз ўнгимизда атлас шаҳри намоён бўлади. Ушбу китобда саноатнинг ривожии ва гуллаб-яшнагани тўғрисида ҳикоя қилинар экан, Марғилон шаҳри ўтмиши ҳақидаги маълумотлар ҳам ўрин олган. Китобхонлар Марғилон шойи комбинати ҳамда “Атлас” ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳақидаги қизиқарли лавҳалар билан танишиб чиқишлари мумкин.

Бобобеков Р. Марғилон атласи / Р. Бобобеков, И. Тўхтасинов. – Т.: Ўзбекистон, 1978. – 70 б.

Мазкур китобча Марғилон шаҳрида фаолият олиб борган “Атлас” абрли газламалар ишлаб чиқариш бирлашмаси ва унинг меҳнатчилари тўғрисида лавҳалардан иборат бўлиб, унда бирлашма жамоасининг қўлга киритган ютуқлари, илғор ишчиларнинг иш тажрибалари, атлас тўқишнинг айрим жараёнлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Хонкелдиев Ю. Марғилон. – Т.: Ўзбекистон, 1968. – 92 б.

Ушбу китобча маълумотнома тарзида ёзилган бўлиб, унда Марғилон ҳақида умумий маълумот, шаҳар ўтмиши, маданий ҳаёти, соғлиқни сақлаш ва транспорти ҳақида маълумотлар берилган.

Зименко В. Марғилон ипаги / В. Зименко, В. Кириленко. – Т.: Давлат нашриёти. 1960. – 60 б.

Марғилон ипагининг шуҳрати қадим замонларданоқ бутун дунёга маълум. Марғилон аҳолиси ғоят чиройли шойилар тўқиш ва уларга гул босиш санъатини қадимдан билади. Мазкур китобчада Марғилон ипак комбинати ва шу комбинатга асос бўлган пиллакашлик фабрикаси меҳнатчилари ҳақида баён қилинган.

Тузувчи: С. Юсупова